

АЛИШЕР НАВОЙИНГ МАЬШУҚА ТАСВИРИДА ТАШБИХ ҚҮЛЛАШ МАҲОРАТИ

Нурматов Нодир,

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти

Аннотация.

Ташбих – ҳар бир халқ бадиий ижодида учровчи бадиий санъат туридир. Навоий ташбиҳлари ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шу боис шоир лирик меросини тадқиқ этишга киришган киши шоир меросидаги ташбиҳларга тўхтамасдан ўтмайди. Ушбу мақолада Алишер Навоий газалларида маъшуқа тасвирига бағишлиланган гўзал ташбиҳлар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар:

бадиий санъат, ташбих, стилистика, семантика, маъшуқа, ошиқ.

Алишер Навоий лирик меросининг катта қисмида ишқ мавзуси етакчилик қиласди. “Аммо, унинг замирига шоирнинг кенг қамровли ҳаётий хulosалари, фикрлари ҳам сингдирилган. Ишқ изтироблари, кечинмалари, маъшуқа таърифу тавсифи билан бир қаторда чукур донишмандона, орифона фалсафий мушоҳадалар ҳам баён этилган”¹. У ишқ воситасида дунёни ва асл моҳиятни ёритиб берган. Навоий ижодида маъшуқа тасвирида ташбиҳнинг деярли барча туридан кенг фойдаланилган.

Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” асаридан олинган қуйидаги байтларда ташбиҳнинг гўзал намуналарини кўришимиз мумкин. Қуйидаги байтда шоир ўзини тиканга ўхшатиб, маъшуқани жаннат гулига қиёсламоқда:

Navāīy qaysi tīl birlä senīj hamdīj bayān qilsun,
Tikän jannat gulü vasfin qılurda guj̄ erür goyā (FC.25)².

Ер тикани жаннат гулини васф қилолмай тилдан қолгани каби ошиқ ҳам маъшуқани васфида тикон каби лол эканлигини кўрсатмоқда.

Мана бу мисрада эса, шоир ёни қуёшга қиёслаб, ундан айро бўлиш ишқ осмонидан чақмоқли ёмғирни ёғдиришини, ёрдан айрилган ошиқ ўзини ёниб турган оловга ташланган ип сингари буралиб ёнишини тасвирламоқда:

Ul quyāšdīn ayru ‘aškīm yamğurīnīj barqīdūr,
Ot tutasqan rišta yajlīg jīsmī peču tāb ara (FC.38).

Навоий ижодида маъшуқа васфига бағишлиланган байтларда ташбиҳнинг ташбиҳи киноят тури жуда кўп учрайди. Бунда шоир ўхшатиш воситаларни ишлатмаган ҳолда, ўхшалган нарсанинг номини аташ йўли билан нимага ўхшатилганлигига имо-ишора қиласди. Масалан:

Bazmī išrat ičrä sīz may noš etiñ, ey dostlar,
Kim, nasib ul la’lī lab hijrānidīn qandur māñä (FC.34).

Бу сингари ташбиҳлар ҳам мумтоз шеъриятда анъанавий ташбиҳлар сирасига киради.

Čāk äylärmen yaqa ul qašī yāñi körgäc – oq,
Kim xadañin atsa hāyil bolmağay köyläk māñä (FC.32).

Навоий ижодида ташбиҳи киноятга яна бошқа мисоллар ҳам жуда кўп учрайди. Буларни ҳам анъанавий ташбиҳлар сирасига киритиш мумкин. Масалан, нарғис кўз:

Raşkdīn janīmga har nargis közi bir šu’ladur,
Bağ ara nāgah xirām ul sarví ra’nā äyläsä (FC.41).

¹ Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). – Т.: Фан, 2009. – Б. 153.

² Қисқартмалар: ББ – Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 1 том. – Т.: Фан, 1987; FC – Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 3 том. – Т.: Фан, 1988; НШ – Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. 4 том. – Т.: Фан, 1989; ФК – Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 6 том. – Т.: Фан, 1990.

Мисолда кўрилганидек, ташбихнинг бу турода мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳ сўз бирикмаси ёки изофа шаклида бўлади.

Навоийнинг лирик шеърларида маъшуқани “қаро кўзум” дея таърифлайди:

Qara közüm kel-u emdi mardumlīğ fan qılığıl,

Közüm qarasıda mardum kibi vatan qılığıl (ББ.333).

Бунда лирик қаҳрамон ошиқ тарзда сўз бошлаб, ёрга тўғридан-тўғри qara közüm дея мурожаат килади. Маъшуқа юзи эса мумтоз адабиётимиздаги анъанавий ташбих, яъни ойга қиёс қилинади:

Ay yüzüñ ustida köz andaq-ki, āraz üzrä 'ayn,

Nün bilä ikki qaşıj ičrä tafävut bin-u bayn (ФК.311).

Ошиқ ёрнинг жамолини тасвир этар экан, унга ўзининг кўнгил ўхшатишлари билан ёндашади. Бунда шоир айтадики:

Qaş-u közi aksı kök jāmīğa muškul, ey qazā,

Bu bırin qıldıñ hiläl ul birni xurşid äylädiñ (FC.279).

Эй тақдир, ёрнинг қоши билан кўзи осмон жомиға, юзасига тушгач, сен улардан бирини, яъни қошни хилол, ой қилдинг, иккинчисини хуршид, қуёш қилдинг. Ташбих санъатинидан фойдаланиш орқали ошиқ томонидан ёр жамолидаги аъзолар мисли ой ва қуёш каби тасвирланади.

Säf köŋlüdä yüzüñ mehrinä äsrämiš,

Tuš čaği har kün quyaş aksı emäs Zamzam ara (FC.27).

Шоир ушбу байтида ташбихи музмар қоидаларига мувофиқ фикр айтади: Замзам суви ўз бағрида юзинг меҳрини асрайди, ҳар тушда унинг бағрида аксланаётган қуёш эмас сенинг юзингдир, дейди. Шоир бу билан маъшуқа юзини қуёшга нисбат этади.

Навоий маъшуқа каломини Масихнинг ўликларга жон бағишлиовчи нафасига қиёслайди:

Gar kalāmīñi Masih anfäsī dedim, ey habib,

Ayb qılma-kim, ǵalat gahe tüsär Qur'ān ara (FC.37).

Қуйидаги байтда эса маъшуқанинг юzlари гулзорга, ўсма қўйилган қошлари ана шу гулзорда жилваланиб юрган товусларга қиёсланади:

Vusma uzra zarvaraqlıq ikki qaşıj yüz üzä,

Jilvagar bolğan iki tāvus erür gulzār ara (FC.40).

Бу байтда шоир икки нарсани бошқа икки нарсага ўхшатади. Яъни, байтда ташбихнинг икки мисоли мавжуд.

Zulfuñ ǵamī köjlümni beliñ fikrīga saldı,

Kör-kim, ne taxayyulǵa salıptur anı̄ savda (FC.50).

Шоир ушбу байтда ҳам ташбихи музмарни қўллади: сочларингнинг ғами кўнглимга белларинг фикри билан банд этиб қўйди. Энди кўрки, бу савдолар уни нима ҳаёлларга солган. Аслида соч толаси маъшуқа белига яширин тарзда ўхшатилган. Бўлмаса, маъшуқа зулфи нима учун маъшуқа белини ошиқ ҳаёлига солсин.

Қуйидаги байтда Навоий ўзгача, ноанъанавий тарзда ташбихли ифода яратади. Бу байтда ташбихнинг ташбихи мусалсал тури қўлланган бўлиб, маъшуқа қоши икки нарсага қиёслайди:

Qaşıj ičrä riştayi janı̄ga čirmanǵan köjöl,

Ankabutedur-ki, äyläptur vatan mehrāb ara (FC.38).

Қошларинг жонимга чирмашган кўнгилдир. Улар ўргимчак мисоли меҳробдан ватан қилган. Навоий яна яширин ташбих орқали меҳробни ҳам маъшуқа қошларига қиёслайди.

Ey alifdek qamatıñ maylī buzulǵan jan ara,

Ganjı̄ husnuñ javharı̄ bu xâtırı̄ vayrān ara (FC.37).

Навоий ушбу байтда анъанавий ташбихлардан бирини қўллади. Маъшуқа қомати араб алифбосидаги тик қоматли алиф ҳарфига қиёсланган.

Čamzadın köp tiğ urduñ äyläpan köksüm šigāf,

Nayča yaňıg̊ tiğ učun goyaki qıldıñ bir ǵilaf (НШ.159).

Бу байтда ёрнинг киприклари камон ўқига ошиқнинг кўкси қалқонга қиёсланиб, ёр томондан ошиққа назар солиниши гўё ёрнинг киприклари ўқ мисол унинг бағрига қадалаётгани ва ўқнинг кўп санчилганидан ошиқнинг кўкси ўқларнинг ғилофига айланиб қолгани васф қилинмоқда.

Sāqiyā, bir bāda tut, dozax ötidek hirqatī,
Lek jannat kavasaridek lavn ilä safvat aja (НШ.5).

Байтнинг зоҳирий маносига қарайдиган бўлсақ, ошиқ соқийга менга бир май бергинки, унинг иссиклиги дўзах ўтининг харорати билан баробар бўлсин. Лекин унга жаннат кавсарининг рангию сифатини бер деб хитоб қилмоқда.

Агар унинг ботиний маъносига қарайдиган бўлсақ, соқий тасаввуф истилоҳида пири муршид, май Аллоҳга бўлган муҳаббатни билдиради. Навоий муҳаббатни оддий муҳаббат эмас, балки дўзах ўтидай қайноқ ва кавсар сувидай тиниқ бўлишини истамоқда.

Navāīy oldi, base, xāru past xas yaňlığ,
Seniň yoluńda esä, bas, aja bu izzu alā (ФК.7).

Навоий сенинг ишқингда ёниб, куйиб, васлинг илинжида кўп захматлар чекиб, охир оқибат сенинг муҳаббатингни қалбида пинҳон тутиб бу фоний дунёдан бокий дунёга риҳлат қилди. Лекин Навоий баҳтли, саодатли чунки, унинг азобли меҳнати бекорга эмас, балки сенинг муҳаббатинг йўлидадир. Шунинг учун бу хорлик менга олилик кабидир.

Ошиқнинг наздида ёрдан айрилиқ шу қадар азоблики, гўё вақтлар ҳам тўхтаб қолганга ўхшайди:

Gar firāq ayyāmīj bilmān hisābīn, ne ‘ajab,
Kim, yüzüň hajrında kündüz kečä yaňlığdur mājnä (ФК.19).

Сенинг мендан айрилган кунинг ҳисобини билмайман чунки, мендан айрилган кунингдан бошлаб мен учун кун йўқдир. Кун бўлмаса, доимий тун бўлади. Доимий тун ичida булган одам вақтни билолмайди. Куну тун иккиси бир бўлса бир кун бўлиб, улардан бири бўлмаса вақтни аниқлаб бўлмайди.

Шоир ижодида дилдор кўзининг ўйноқилиги оқибатида чарчаб ноз уйқуга кетганлиги, худди ўйинқароқ боланинг ёздаги иссиқ элтиши сабаб уҳлаб қолишига киёсланади:

Nargisïn gul üzrä-kim, bemär etär nāz uqusı,
Misli şoxedurki, sust etkäy anı yaz uqusı (FC.454).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий ижодида маъшуқа образи ниҳоятда гўзал ташбиҳлар билан тилга олинган. Буни нафақат маъшуқанинг гўзалик таърифи, балки унинг ишқидаги ошиқнинг ҳис-туйғуларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). – Т.: Фан, 2009.
2. Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 1 том. – Т.: Фан, 1987.
3. Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 3 том. – Т.: Фан, 1988.
4. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. 4 том. – Т.: Фан, 1989.
5. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 6 том. – Т.: Фан, 1990.